Шу азиз Ватан — барчамизники

O'zbekiston ovozi

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI ❑ 2000 YIL 14 NOYABR SESHANBA № 133 (26.683)

Улуғ алломалар, беназир мутафаккир зотларга бешик бўлган Ватанимиз икки қутлуғ тўй арафасида турибди. Гўзал Фарғона заминида ислом қонуншунослигида ўчмас из қолдирган буюк аллома Бурҳониддин Марғиноний таваллудининг 910 йиллиги, кўҳна Самарқандда эса калом илмининг султони Имом Абу Мансур Мотуридий ҳазратларининг 1130 йиллигини халқаро миқёсда нишонлашга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Газетамизнинг бугунги сонида Бурҳониддин Марғиноний таваллуд айёмига бағишланган саҳифа билан танишасиз.

2-, 3- *бетлар*

КУН ТАРТИБИДА – НАЗОРАТ МАСАЛАЛАРИ

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишни тартибга солиш ишларининг якунлари муҳокама қилинди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, Республика кенгаши раиси Т. Алимов бошқарди.

Тўққиз ой мобайнида ўтказилган текширувлар сони ўтган йилнинг шу вақтига нисбатан 34 мингтага, ёки қарийб 23 фоизга камайгани, уларнинг 87 фоизи мажмуавий текширув эканлиги қайд этилди. Йўл қўйилган молиявий-иқтисодий тартиббузарликлар натижасида 44 миллиард сўм бюджет ҳисобига мусодара қилинди.

Шу билан бирга, йиғилишда таъкидланганидек, режадан ташқари ортиқча текширувлар ўтказиш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига турли хил назорат органларининг асоссиз аралашуви ҳоллари ҳам учрайди. Бу борада Республика кенгашининг Сирдарё, Тошкент, Сурхондарё, Жиззах, Навоий, Наманган вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳудудий комиссиялари суст ишламоқда. Жойларда халиҳануз тегишли ҳужжатларни расмийлаштирмасдан, белгиланган муддатларга амал қилмаган ҳолда текширув ўтказишга йўл қўйилмоқда. Хўжалик юритувчи субъектларнинг фақат учдан бир қисми текширувларни рўйхатга олиш дафтари билан таъминланган. Биргина «ишонч телефони» орқали назоратчиларнинг ноқонуний хатти-ҳаракати тўғрисида 700 га яқин шикоят қабул қилинган. Белгиланган тартибга зид равишда ўтказилаётган текширувлар ушбу шикоятларга кўра тўхтатилди.

Республика кенгашининг қарорига биноан ҳудудий комиссияларнинг режадан ташқари текширув ўтказиш ҳақидаги кўп сонли талаблари танқид қилинди. Вазирликлар, идоралар раҳбарларига, ҳудудий комиссиялар раисларига хўжалик юритувчи субъектларни текширишни тартибга солишга доир қонунчилик талабларини бузаётган мансабдор шахсларни жазолаш юзасидан қатъий чоралар кўриш вазифаси топширилди.

Шунингдек, йиғилишда ҳудудий комиссия раиси — Навоий вилояти ҳокими Ғ. Диловнинг, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг статистика давлат департаменти бошлиғи Ғ. Кудратовнинг, Ўзбекистон Республикаси Бош Давлат санитария врачи Б. Ниёзматовнинг ҳисоботлари тингланди. Навоий вилояти комиссияси ишининг қониқарсизлиги, хўжалик юритувчи субъектларни текширишни тартибга солиш бўйича республика қонунлари ижросини таъминлаш борасида номи тилга олинган назорат қилувчи органлар фаолиятидаги камчиликлар қайд этилди, мавжуд қоидага амал қилмаслик ҳоллари кўрсатиб ўтилди, текширувлар самарадорлиги паст экани таъкидланди, аниқланган камчиликларни тугатиш ва келгусида уларга йўл қўймаслик юзасидан амалий чоралар қабул қилиш вазифаси топширилди.

Йиғилишда текширувларни тартибга солиш ва мувофиқлаштиришга доир бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва уларнинг ҳар бири бўйича назорат қилувчи органлар фаолиятини кучайтиришга қаратилган тегишли қарорлар қабул қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Азимов, Ўзбекистон Республикаси Давлат маслаҳатчиларининг ўринбосарлари У. Исмоилов, Ё. Жалолов, Вазирлар Маҳкамасининг ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи Ғ. Саидова, вазирликлар, идоралар раҳбарлари, Президент девони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ходимлари иштирок этди.

■ **(ЎзА)**



ЧУСТ *мармари*

«Раанани-Холдинг» компаниясининг Тошкентдаги шўъба корхонаси билан Чустдаги «Мармар-Ф» корхонаси ўртасида 1 млн. 331 минг АҚШ доллари қийматида шартнома тузилиб, иш бошланди. Ҳозиргача шу маблағнинг 675 минг доллари миқдорида тошни қайта ишлайдиган Италия дастгоҳлари ўрнатилди. Республика «Бизнесфонд» бошқаруви, «Шамшир» масъулияти чекланган жамият ва Наманган «Мададдкор» қурилиш-сервиз жамияти таъсисчилар сифатида 120 млн. сўм маблағ қўшишди. 70 киши учун иш жойи яратилди.

«Мармар-Ф» корхонаси очилиши маросимида сўзга чиққан вилоят ҳокими Т. Жабборов «Раанани-Холдинг» компанияси президенти жаноб Б. Раанани ва бошқалар катта миқдордаги травертин заҳирасига эга заминдаги янги корхонанинг келажаги порлоқ деб таъкидлашди.

Мамлакатимизда ягона травертин плиткалар ишлаб чиқарувчи корхона ҳозир энг қимматбаҳо пардозбоп мармардан 50 куб метр ҳажмда тайёрламоқда. Корхонанинг иккинчи навбати ишга тушса, бу кўрсаткич 80 куб метрга ошади.

Чуст мармари хориж давлатларига ҳам кенг кўламда экспорт қилинади.

■ **Маҳмуджон ПАРПИЕВ**

ЖАҲОЛАТГА ЮЗ БУРМОҚ — ДАҲШАТ!

Умид чироғи

Ўзбекнинг хонадонида фарзанд дунёга келса бахт, қувонч. Айниқса, ўғил бўлса шодликнинг чеки йўқ. Ота-она кўзига олам фақат меҳрдан, мурувватдан, муҳаббатдан яралгандек туюлади. Ошна-оғайнилар, маҳалла-кўй бу хонадонга ҳавас билан боқади. Уларнинг шодлигига шодлик улашади. Ота-онасига, қариндош-уруғига, Ватанига муносиб фарзанд бўлиб камол топишини Оллоҳдан сўрайди...

Не ажаб, бу хонадонларда ҳам ой тўлган кун, бувининг «фарзандимга ўғил бер», дея жойнамозда қилган дуолари марҳаматли эгамга етганлигидан кўзлар севинчдан намлангандир. Ким билсин балким суюнчи-суюнчи, дея гўдакнинг онасими, холасими, кимдир ота йўлига пешвоз чиққандир. Ота-чи? Ота. Дунёга келган зурриётидан қанчалик қувонганини фақаттина ҳис қилмоқ даркор. Ўзбекнинг фарзандига қўйиладиган исм ҳам қайсидир маънода чуқур мазмунга эга бўлади. Агар фарзандлари бу дунёда турмаган, яшамаётган бўлсалар кейингисига Турсунбой, деб ном беришади. Агар ўғил бахтли бўлишсин дейишса, Бахтиёр деб аташади. Кимгадир ҳавас қилган бўлса «менинг ҳам фарзандим ана шу инсондек бўлсин», деб ўша улуғ инсоннинг номини тутадилар. Улуғ инсонларга ҳавас қилишиб, Улуғбек, Тоҳир деб ном беришгандир...

Илдиз отган жаҳолат

Ватанга қўл кўтарганлар, жаҳолатга юз бурганлар... Уларнинг онги заҳарланди, эзгулик каби тушунчалар қалбидан кўтарилди. Улар ҳам ҳавас қилса арзигулик йигитлар бўлиши мумкин эди. Озодлик иморатига бир ғишт қўйганда ҳам савоб иш қилган бўлар эди. Аммо ота-онага қурол ўқталганларни кечириб бўлмайди.

Ўзганинг тупроғи...

Ўз Ватанига ўзга элатлардан туриб чанг солаётганлар, элни, туғилиб ўсган диёрни ташлаб ўзга юртларни макон этиб, халқига қурол ўқталаётганларни қандай тушуниш мумкин? Нима уларнинг кўзларида совинч ёшлари оқмасмикан? Улар болалигининг осмонларини, юлдузлар санаган тунларни қўмсамасмикан? Разилларда юрак не қилсин? Ўй-хаёли, орзу-умидлари фақат қабоҳат бўлиб қолдимикан? Гоҳо уларга ачинасан. Ўзганинг тупроғи зар бўлармиди?

Ҳеч бўлмаганда боболаримиз мангу уйқуга кетган, эртага авлодларимизга бешик бўладиган она Ер уволи уларни тутмасмикин?

Бўғзимга тиқилган саволлар мени қийнайди. Изтироб юрагимга ўрнашиб олиб қалбни тирнайди.

Улар шуни ўйлашармикан?

Уларнинг қилмишидан, етказган озоридан нафратланасан. Отасиз қолган гўдакларнинг чинқириғи, бева қолган келинчаклар оҳу зори, онаизорлар кўзларидан дарё бўлиб оқаётган ёшларнинг қарғиши уради уларни. Ҳали чимилдиқ кўрмаган йигитлар, «ўклимга тўй қиламан, элга ош бераман», дея қилинган орзулар, умидлар поймол бўлди. Бегуноҳ инсонлар қони тўкилди. Уларни дунёга келтирган ота-онаси ҳам кечира олмаса керак.

Ортга йўл йўқ

Одамлар ҳушёр бўлишмоқда, беғамлик уларга ёт бўлиб бормоқда. Ўз уйини ўзи асраши лозимлигини англаянти. Оила тинч сақланса, демак, халқ, ватан тинч бўлишини билишянти. Одамларга бу кунлар сабоқ бўлди. Бизга орқага йўл йўқ... Ҳушёрлик, хато қилмаслик, юртта қалқон бўлиш — муҳими шу!

■ **Аслиддин АБДУЛАЗИЗ ўғли**

САҲНА ҚИРОЛИ – 90 ЁШДА

Марҳум санъаткор, ўзбек театри дарғаларидан бири Шукур Бурҳонов агар ҳаёт бўлганларида 90 ёшга тўлардилар. Кеча Аброр Ҳидоятов номидаги ўзбек Давлат драма театрида устоз санъаткорнинг хотира-юбилейи бўлиб ўтди.

Халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов «Ҳаётида юз берган иккита фожиали воқеа Шукур акани орамиздан бевақт олиб кетди. Агар қизи сувга чўкиб ҳалок бўлмаганида, ўғли ҳарбий хизматдан нурланиб отасини фарзанд доғида куйдирмаганда, эҳтимол, Шукур Бурҳонов ҳозир саҳнамиз тўрини тўлдириб ўтирган бўлармиди... Афсус ва надоматлар бўлсинки, ўзи орзу қилган мустақиллик замонларини кўриш у кишига насиб этмади» — деди.

Лекин Шукур Бурҳонов бутун умр ҳаётда ҳам, санъатда ҳам мустақиллик дарди билан яшади, ижод қилди. Дарҳақиқат, Мирзо Улуғбек, Юсуф Ялангтўш, Сулаймон ота, Ғофир сингари бетакрор образлар устоз умрининг мангуликка муҳрланган лавҳаларидир.

■ **Забаржад БОБОЖОНОВА**

— Раисимиз ўзини эмас, одамларни ўйлайди-да, — дейди пудратчи Қурбон Очилов. — Мен ўн уч ёшимдан бошлаб, эллик йилдан бери даладаман. Вали Ваҳобов ўзи туғилиб ўсган юртни ўйлаб, раисликка рози бўлди. Қаттиққўл. Лекин катта-кичик билан кенгашади. Сен қари, сен ёш нари тур демайди. Масалан, мен оилам билан 2,5 гектар ердан 56 центнердан ғалла етиштирдим. Режадан ортиқ буғдойни уйимга тўкиб олдим. Яна қанча пулимиз турибди. Нима қипти қаттиққўл бўлса чидаймиз, аммо ҳимоя қиламиз.

— Раис элнинг меҳрини қозонганича бор, — суҳбатга қўшилади Чўлпон номли мактаб директори Жалолхон Муҳаммадиев. — Мен туман мактаблари директорлари кенгаши раҳбариман, аҳвол қандайлигидан хабардорман. Бироқ хўжалик ҳудудидаги 8 та мактаб ҳамиша раиснинг назарида. Собиқ раис, марҳума Каромат Рустамова номидаги стипендияни таъсис қилди. Ҳар ойда минг сўмдан. Ишонмаяпсиз-а? Йўқса, танишинг, кўринг...

Вали Ваҳобов идорада экан. Йилнинг охири эмасми ҳисобчи билан тушум ва тўловлар юзасидан ҳисоб-китобни қиляпти экан.

— Ҳа, дарвоқе, талабаларнинг ўқиши учун тузилган шартномалардаги 5 миллион сўм тўлиқ ўтказиб берилдими? Яхши!

— Адашмадимми, 5 миллион сўм дедингизми? — беихтиёр гапга аралашдим. — Ахир, бу йил тумандаги барча мактабларни таъмирлаш учун ҳам шунча маблағ беришолмади-ку!

— Агар ширкатимиз аъзоси 17 йил шу хўжаликда ишлаган бўлса, фарзанди ўқийдиган ўқув юрти тузган шартномадаги маблағни тўлиқ, камроқ бўлса, ярмини ўтказиб берамиз, — тушунтиради раис. — 71 талабани хўжалик ҳисобидан ўқитяпмиз. Ўтган йили мактабларга 200 минг сўмлик дарслик олиб бердик, бу йил 1 миллион сўмликдан ошади. Биз вилоят фан олимпиадасида ғолиб чиққан ўқувчи ва ўқитувчиларига 25 минг сўмдан, республика олимпиадаси ғолибларига эса 100 минг сўмдан мукофот тайин қилганмиз. Тумандаги 2-иқтидорли болалар лицейида таълим олаётган 12 ўқувчимиз учун 500 минг сўм ўтказиб бердик.

— Тумандаги кўп хўжаликлар ўзини эплолмаётганда, шунча маблағларни маорифга сарфлаяпсизлар. Мабодо, саволим ўринсиз бўлса узр. Бу ном чиқариш учун эмасми?

— Аввало, бу ҳақда ширкат кенгаши, одамлар билан келишганмиз, — дейди раис. — Ўзимга келсак, мен Президентимизнинг ёш ва соғлом авлодни камолга етказиш борасидаги кўрсатмаларини кўнглимга жо қилганман. Моддий етишмовчилик туфайли қанча иқтидорлар завол топаяпти. Ёз демай, қиш демай далада меҳнат қилаётган деҳқон ёки боғбон қобилиятли фарзандини ўқитиш учун маблағни қаердан топсин?

— Болалигим шу жойда — Каромат Рустамова номли хўжаликнинг Кусам қишлоғида ўтган, — дейди Вали Ваҳобов. — Раисликни қабул қилганимда хўжалик 27 миллион сўм, жумладан, 7 миллион сўм иш ҳақидан қарздор экан. Идорада 70 киши ишлар экан, 42 кишини бўшатиб, ишлаш учун ер бердик. Ўзим ҳам ижарага боғ олдим. Ерни эгасига бердик. Нима фойда берса, етиштириб сота бошладик. 58 гектар майдондаги қаролини нобуд қилмай, четга жўнатдик. Пул туша бошлади. Қарзларни уздик. Одамларда ишонч пайдо бўлди. Ҳар йили ғалла, сабзавот, узум режаларини ошириб бажара бошладик. Ўтган йили 34 миллион сўм фойда олдик, бу йил 50 миллион сўмдан кам бўлмайди. 301 гектар ҳосилли токзорларимиз бор. Бу йил 2,5 минг тоннадан ошиқ узум етиштирдик.

Ҳа, Вали Ваҳобовга тараф йўқ. Ўз ишига пишиқ.

■ **Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ИСЛОХОТ ВА МАСЪУЛИЯТ

РАҲБАР ТАДБИРКОР БЎЛСА...

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 14 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун ҳорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: */

1 Австралия доллари	164,13
1 Австрия шиллинги	19,64
1 Англия фунт стерлинги	445,62
10 Бельгия франки	66,98
1 Голландия гульдени	122,61
10 Греция драхмаси	7,95
1 Дания кронаси	36,26
1 БАА дирхами	84,88
1 АҚШ доллари	311,73
1 Миср фунти	82,47
10 Испания песети	16,24
100 Италия лираси	13,96
1 Канада доллари	201,83
1 Хитой юани	37,66
10 Люксембург франки	66,98
1 Малайзия рингити	82,04
1 Германия маркаси	138,15
1 Польша злотийси	68,21
1 СДР	400,65
1000 Туркия лираси	0,46
1 Финляндия маркаси	45,45
1 Франция франки	41,19
1 Швейцария франки	177,45
1 ЕВРО	270,21
10 Жанубий Корея вони	2,75
10 Япония иенаси	28,96
1 Россия рубли	11,21
1 Украина гривнаси	57,33

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

Ўзбекистон Республикаси Олий судида қасддан одам ўлдириш, терроризм, мамлакатимиз Конституцияси ва Президентига тажовуз қилиш, босқинчилик ва бошқа ўта оғир жиноятларни содир этганликда айбланаётган 12 шахс устидан бошланган суд жараёни 13 ноябрь куни давом этди.

Суд мажлисида тарафлар музокараси бўлиб ўтди. Давлат қироловчиси — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари Э.Қудратов суд тергови давомида жабрланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатмалари, ашёвий далиллар, экспертиза хулосалари ва видеоматериаллар ёрдамида судланувчиларнинг айби исботланганини таъкидлади. Шу билан бирга 9 нафар судланувчининг одил суддан яшириниб юрганлиги ҳам уларнинг айбини тасдиқловчи яна бир далил эканлигига эътиборни қаратди.

Давлат қироловчиси судланувчилар Тоҳир Йўлдошев, Жумабой Ҳожиев, Салай Мадаминов (Муҳаммад Солиҳ), Муродилла Козиев, Улуғбек Бобожонов, Ҳомиджон Раҳмонов, Шавкат Каримов, Нажмиддин Жалолов, Йўлдош Умаров, Улуғбек Маҳмудовга нисбатан олий жазо — ўлим жазоси қўллашни, Олимжон Абдувоҳидов ва Усмон Шукуровни эса 20 йилга озодликдан маҳрум этишни, барча судланувчиларнинг мол-мулкини мусодара қилишни суд ҳайъатидан сўради.

Шунингдек, суд жараёнида Наманган, Андижон ва Хоразм вилоятлари жамоатчилиги, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва «Маҳалла» жамғармаси номидан иштирок этаётган жамоат қироловчилари сўзга чиқиб, зикр этилган жиноятларни содир этганлар халқимизнинг қаҳру ғазаби, нафратига учраши муқаррар эканлигини таъкидладилар. Диннинг ниқоб қилиб, эл-юртимиз тинчлигини бузиш, одамларнинг мол-мулкини талаш, қотиллик билан шуғулланган кимсаларнинг қилмишлари энг оғир жазога лойиқдир. Айни пайтда жамоат қироловчилари судланувчилар У.Маҳмудов ва О.Абдувоҳидов ўз айбига иқрор бўлиб, қилган жиноятлари учун пушаймон бўлаётгани, халқимиздан кечирим сўраётганини инобатга олишни илтимос қилдилар.

Суд мажлисида айбланувчиларнинг ҳимоячилари ҳам сўзга чиқиб, ҳукм чиқаришда суд ҳокимиятининг мустақиллиги тамойилларига асосланиш, судланувчиларнинг жиноятларга бевосита алоқадорлик жиҳатларини инобатга олиш зарурлигини қайд этдилар.

■ **(ЎзА)**

«ОБУНА-2001»

МУШТАРИЙЛАР ИШОНИШАСИ

Даврий нашрларга обуна кетаётган, ҳар ким ўз «қўшиғи»ни мақтаётган кезларда ўзинг хизмат қилаётган газета ҳақида яхши фикрлар эшитиш барибир ёқимли

Султонбой БОЛТАЕВ, «Янгиариқ овози» газетаси мухаррири:

— Мустақилликдан сўнг газеталар кўпайди. Демократик тамойиллар амалиётда қўлланаётган шароитда бу табиий ҳол. Эндиликда танлаш имкони мавжуд. Ҳар бир муштарий ўзи севган, ишонган газетасига ёзилишга ва йил давомида тезкор ахборотлар, ўқишли мақолалар билан танишиб боришга ҳаракат қилади. Шу маънода «Ўзбекистон овози» газетаси байроқдорлигича қолмоқда. Мен журналист сифатида газетада ёритилаётган мақолаларнинг ҳаққоний, ўқишли, кенг мулоҳазалигига доимо тан бераман. Ўзимни бир кун ҳам бу севимли газетасиз тасаввур қила олмайман.

Рўзибой ХЎЖАЕВ, «Ғулистон» жамоа хўжалиги раиси муовини:

— Тўғриси, вақтли нашрларга обуна бўлишни барчанинг маблағи ҳам кўтаравермайди. Мен айтмоқчиманки, хўжалик ва туман миқёсида махсус шанбалик ўтказиш ва тушган маблағдан кам даромадли кишиларни ўзлари севган нашрларига обуна қилиш керак. Бу ташаббусимни ҳокимлик маъқуллайди, деб ўйлайман.

Яна бир гап. Кўп йиллардан буён «Ўзбекистон овози»нинг доимий муштарийсиман. Партия аъзоси сифатида мени газетада партия ҳаёти ёритилиши кўп ҳам қониқтирмайди. Чамамда республикамизнинг бошқа шаҳар ва туманларида фаолият кўрсатаётган партия ташкилотлари фаолларининг иш тажрибасини муфассал ёритувчи саҳифалар бериш керак.

Яхшимурод СОДИКОВ, «Нуроний» жамғармаси туман бўлими бошлиғи:

— Кексалик нафақаси олаётган фуқароларимизга фалон нашрга ёзилинг, деб айтиш осон эмас. Умуман, буюришнинг ўзи тўғри келмайди. Лекин, шундай қарияларимиз борки, улар имкон топиб, маблағ топиб, ўзлари узоқ йиллардан буён ошно бўлиб келаётган «Ўзбекистон овози»га албатта обуна бўладилар. Газетани умр бўйи ўқиб келаётган кишиларни биламан.

...Ушбу фикрларни Янгиариқ туманидаги «Ғулистон» жамоа хўжалиги маданият саройида бўлиб ўтган газета муштарийлари билан учрашувда қоғозга туширдик. Ошкора мулоқот остида ўтган учрашувда «Пўрсанг» маҳалла йиғини раиси Сотимбой Эшметов, партия фаоли Бикажон Собирова, ХДП туман кенгаши биринчи котиби Ибодулла Қўчқоров, туман ҳокими муовини Азимбой Мадраҳимов ва бошқалар газетамиз ҳақида илиқ фикрларни билдиришди ва туманда муштарийларимиз сони ўтган йилга нисбатан янада ошажагини айтишди.

Кузги йиғим-терим мавсуми долзарб кезда матбуот борасида учрашув ўтказиш ўринли эмасдек туюлади. Аммо, кўпчилик муштарийларимизнинг қимматли вақтларини аямай учрашувга келишгани ва газетамизга бўлган ишончларини фақат олқишламоқ ва бу ишончни оқлаш учун ҳаракат қилмоқ керак.

■ **Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбири**

XXI АСР — АХБОРОТ, ФИКР, ТАФАККУР АСРИ!
«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — АХБОРОТ, ФИКР, ТАФАККУР ТАРАФДОРИ!
«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

НАШРЛАРИМИЗ ИНДЕКСИ:

«Ўзбекистон овози»	— 220
«Голос Узбекистана»	— 121
«Осиё бозори»	— 174

ФИҚҲ ИЛМИНИНГ СУЛТОНИ, ҲИДОЯТ

Парвардигори олам буюк зотларни Ўзи азиз этган жойлардагина дунёга келтиради. Бундай зотлар эса ер юзида саноқли. Биз чексиз шукроналик билан айтамизки, она Ватанимиз Оллоҳнинг назари тушган ана шундай муқаддас диёрдир.

Ислом КАРИМОВ

Бундан 910 йил муқаддам ҳижрий 511 йил (мелодий 1123 йил) ражаб ойининг саккизинчи куни аср намозидан сўнг Марғилон шаҳрига яқин Риштон қишлоғида яшовчи Абубакр ибн Абдулжалил хонадонида бир ўғил дунёга келди. Бу кейинчалик Ислом қонуншунослигида юксак эътирофга сазовор бўлиб, ўз ақл-заковати билан бутун мусулмон оламида шуҳрат қозонган шайхулислом Бурҳониддин Марғиноний эди.

Фарзандга Али ибн Абубакр дея исм қўйдилар. Боланинг отаси Абубакр маърифатли инсон бўлгани учун, ўғлига илк таълимни ўзи ўргатади. Али зеҳни ва қобилияти билан барчани ҳайратга сола бошлайди. Ёшлигиданоқ калом, тафсир, ҳадис, қироат, тажвид каби диний илмларни, айниқса, фиқҳни катта иштиёқ билан ўрганади, шеърлар битиб, таъби назмини ҳам намоён этади.

У ҳижрий 544 йилда, яъни 33 ёшида ҳаж зиёратига боради. Йўл-йўлакай кўп ўлкаларни кўради, қанчадан-қанча олиму фозил зотлар билан мулоқотда бўлади. Тарихий манбаларнинг далолат беришича, аллома йўл таассуротларини кундалик шаклида ёзиб борган. Лекин, афсуски, унинг қайдлари бизгача етиб келмаган.

Кези келганда шуни таъкидлаш жоизки, аллома ўз тахаллуси — шайхулислом Бурҳониддин Марғиноний деган ном билан машҳур бўлган. У зотнинг тўлиқ исми шарифи эса Али ибн Абубакр ибн Абдулжалил ибн ал-Халил ал-Фарғоний ал-Марғинонийдир.

Буюк юртдошимизнинг кейинги ҳаёти ўша пайтда Мовароуннаҳрнинг илм ва маърифат маркази ҳисобланган Самарқанд шаҳрида ўтган. Унинг асосий асарлари ҳам мана шу ерда ёзилган. У ҳижрий 593 йил зулҳижжа ойининг 14 куни кечаси (1196-97 йил 23 ноябрь) Самарқанд шаҳрида вафот этган ва ўша ерда дафн қилинган.

Бурҳониддин Марғиноний Қорахонийлар сулоласи ҳукмронлик қилган даврда яшаган. Бу даврда Мовароуннаҳр, хусусан, Самарқанд жуда гуллаб-яшнаган. Шаҳар маданияти, илм-фан жуда ривож топган. Бу ерда канализация тизими йўлга қўйилган.

ХАЛҚИМИЗ ДАҲОСИНИНГ ЁРҚИН ТИМСОЛИ

Мамлакатимиз ҳудудида бугунги кунгача сақланиб келаётган Работи Малик, Жарқўрғон минораси каби қўплаб меъморий ёдгорликлар ўша давр маҳсулидир.

Шуларнинг барчасини назарда тутган ҳолда, Марғинонийнинг илмий ва инсоний камолотига қуйидаги омиллар асос бўлган дейиш мумкин:

Аввало, бу зот Оллоҳ таоло ато этган беназир истеъдодини такомиллаштириш йўлида тинимсиз изланиб-ўрганиб ижод қилди.

У Шарқ уйғониш даврида, буюк ўзгаришлар ва янгиланишлар даврида яшади. Илму фанга, маърифатга эҳтиёжнинг ортгани, илмий тафаккурнинг тез ривожлангани, замон билан ҳамқадам бўлиш зарурати уни камолотга, илмий кашфиётларга ундади.

У нисбатан тинчлик-осойишталик ҳукм сурган, бунёдкорликка, илм-маърифатга эътибор берилган бир ижтимоий шароитда умр кечирди.

У ҳанафия мазҳабидаги қиёслаш, эркин фикр юритиш имкониятларидан тўла фойдалана олди.

Алломанинг бой илмий мероси унинг ҳозирча бизга маълум бўлган ўндан зиёд асарида мужассам топган. Булар орасида «Бидоятул-мубтадий» («Фиқҳ илмига кириш учун бошланғич китоб»), «Кифоятул-мунтаҳий» («Битирувчини қониқтирувчи китоб») ва «Ал-ҳидоя фи Фуруъил-фиқҳ» («Ҳуқуқ тармоқлари бўйича йўлланма») каби асарлари машҳур. Айниқса, «Ҳидоя» алломанинг шоҳ асари бўлиб, бугунги кунгача ислом ҳуқуқшунослигидаги асосий манбалардан ҳисобланади.

«Бидоятул-мубтадий» Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбонийнинг «Алжомиъ ас-сағир» асари ва Абул Ҳусайн Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Қудурийнинг «Мухтасар» китобига асосланиб, қисқача фиқҳий қўлланма тарзида ёзилган. Кейинча Марғиноний «Бидоятул-мубтадий»га 8 жилдлик шарҳ битади ва уни «Кифоятул-мунтаҳий» деб атайди. Лекин ҳаддан зиёд муфассал бўлганини назарда тутиб, унинг ўртача ҳажмдаги нусхасини яратиш учун «Ҳидоя» асарига қўл уради.

«Ҳидоя» 4 жилд, 57 китобдан иборат бўлиб, 13 йил давомида ёзиб битказилади.

Марғиноний бу асарида нафақат ўз давридаги ҳуқуқий муаммоларни, балки келажакда пайдо бўлиши мумкин бўлган масалаларни ҳам исломий нуқтаи назардан таҳлил этади.

Китобнинг биринчи жилди таҳорат ва амалий ибодат (намоз, рўза, закот ва ҳаж) масалаларига, иккинчи жилди оила ҳуқуқи, қул сақлаш муаммолари, ҳудуд жазолари (Оллоҳ томонидан белгиланган жазолар), халқаро ҳуқуқ меъёрлари, ширкатчилик, ислом ҳуқуқига хос бўлган вақф ҳуқуқи каби масалаларга, учинчи жилди муомалот — фуқаролик ҳуқуқи турлари, қозилик ваколати, уни амалга ошириш, тўртинчи жилди эса зироатчилик ва ер муаммолари, ер солиғи, жиноят турлари, гувоҳлик каби масалаларга бағишланган.

«Ҳидоя» Ҳиндистоннинг Бенгалия вилояти маҳкамалари учун 1776 йили Ғулом Яҳёхон томонидан форс тилига таржима этилган. Ўша пайтда Ҳиндистон бўйича фаолият олиб борадиган инглиз идораларидаги иш юритиш қисман форс тилида бўлган. Ушбу таржима 1807 йили Калкуттада нашр этилган. Бундан сал олдинроқ, 1791 йили асарнинг Чарльз Хамелтон томонидан инглиз тилига ўгирилган нусхаси Лондонда нашр этилган эди. Ана шу нусха асосида Гродеков «Ҳидоя»ни рус тилига таржима қилиб, 1893 йили Тошкентда чоп эттирган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, «Ҳидоя»нинг энг машҳур нашрлари қуйидагилардир: 1818 йили Калкуттада, сўнгра Бомбей, Кавнпоре ва Деҳлида, XIX асрда Қоҳирада, 1888 йили Қозонда чоп этилган арабча асл матнлари. Унинг энг янги танқидий матни 1980 йили Қоҳирада босмадан чиққан.

Истиқлолдан кейин, 1994 йили мамлакатимизда «Ҳидоя»нинг русча таржимасининг биринчи жилди профессор Акмал Саидов томонидан нашр этилди. Ҳозирги вақтда олим ва мутахассисларимиз унинг биринчи жилдини ўзбекчага таржима қилиб, нашрга тайёрладилар.

Ишончимиз комилки, ислом ҳуқуқшунослигининг бу мумтоз намунаси келажакда янада теранроқ ўрганилади ва ўзбек тилида тўлиқ ҳажмда нашр этилади. Буюк аждодимизнинг бу ўлмас асари ҳуқуқий давлат барпо этиш жараёнида ҳам муҳим манба, ҳам ибратли мерос бўлиб хизмат қилади.

■ Абдулҳаким Шарқий ЖУЗЖОНИЙ,
Тошкент ислом университети ислом ҳуқуқи кафедраси мудири

Бурҳониддин Марғинонийнинг таваллуд тўйи муносабати билан у зотнинг ҳаёти, илмий фаолияти ва бой мероси ҳақида ҳикоя қилувчи китоблар, рисола ҳамда тадқиқотлар чоп этилди.

БУРҲОНИДДИН МАРҒИНОНИЙ ТАЪРИФИДА

Яна соҳиби «Ҳидоя»ким, имом Абу Ҳанифа мазҳабида «Ҳидоя»дин мўътабарроқ фиқҳ китоби кам бўлғай, Фарғонанинг Марғилон отлиғ вилоятидиндур, ул ҳам дохили Мовароуннаҳрдур.

Заҳириддин Муҳаммад БОБУР

«Ҳидоя» китоби уни билган, ўрганган ва уни маҳкам тутган кишиларнинг юмуқ кўзларини очади ва тўғри йўлга, ҳидоят йўлига бошлайди. Эй ақл эгаси, сен унинг мағзини чақ, кимки уни билишга, унга эргашишга муяссар бўлса, у энг улуғ мақсадга эришибди.

Шайхулислом Имом ИМОДУДДИН

Қуръон китоби қандай қилиб ўзидан илгариги динларни мансух (эътиборсиз) этган бўлса, «Ҳидоя» китоби ҳам ўзидан илгари шариат бўйича ёзилган барча асарларни эътиборсиз қолдирди.

Ал-ҲАДДОД

Имом Марғиноний фақиҳ, Қуръон ҳофизи, муҳаддис, муфассир, барча илму фанни ўрганиб, ўзлаштирган иқтидорлик устод, теран назар билан текширувчи ва диққат билан иш юритувчи зоҳид, муттақий, маҳорат ва фазилатлар эгаси, фиқҳ илмини чуқур билувчи, илму адабда мисли кўрилмаган инсон, адиб ва шоир, илмулхилоф ва мазҳаб соҳалари бўйича юксак салоҳиятга эга бир зот.

Муҳаммад Абдулҳай ЛАКНАВИЙ

ТАШАББУСНИНГ ҚАНОТИ

Одатда яхши гап тез ёйилади, тиллардан тилларга, диллардан дилларга ўтиб, барчага шодлик ва қувонч бахш этади. Яхши ташаббус ҳам шундай. Зеро, ташаббуснинг қаноти бор, деган гап бежиз айтилмаган.

Президентимиз Ислом Каримовнинг улуғ ватандошимиз, фиқҳ илмининг султони Бурҳониддин Марғиноний таваллуд тўйини нишонлаш, муборак қадамжоларини обод қилиш ҳақидаги ташаббуслари бунинг яққол далили десак, асло муболаға бўлмайди.

Юртбошимиз 1999 йил 18 декабрда Фарғона вилояти сайловчилари вакиллари билан учрашувда сўзлаган нутқида Бурҳониддин Марғиноний номини ёд этиб, бундай деган эдилар: «**Бу буюк зотнинг ҳаёти ва бой маънавий меросини чуқур ўрганиш, жаҳон миқёсида муборак тўйини ўтказиш, Марғилонда хотира ёдгорлигини ўрнатиш, Риштонда эса ёдгорлигини обод қилишга қаратилган тадбирларни яқин вақтларда кенг кўламда амалга оширсак, ўйлайманки, ҳар томонлама халқимизнинг хоҳиш ва интилишларига мос иш бўлур эди**».

Бу ташаббус илгари сурилганидан кейин бир ой ўтмаёқ, 2000 йил 10 январда Вазирлар Маҳкамасининг Бурҳониддин Марғинонийнинг ҳижрий сана бўйича 910 йиллик таваллуд тўйини нишонлаш тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Мана бугун, орадан бир йил ўтар-ўтмас Президентимиз ташаббусида ўз ифодасини топган хайрли ишларнинг барчаси амалга ошди, мамлакатимиз қутлуғ шодиёна — Бурҳониддин Марғиноний ҳазратларининг таваллуд тўйини нишонлаш арафасида турибди.

ТЎЙНИНГ ШАРОФАТИ

Фарғона — гўзал ва обод шаҳар. Буюк аллома Бурҳониддин Марғинонийнинг таваллуд тўйи арафасида у янада чирой очди. Шаҳарга қадам қўйишингиз билан ўзгача бир тароватни ҳис этасиз: кўчалар тоза ва озода, биноларда гард йўқ, дарахтлар батартиб. Гўё бу шаҳар мана шу байрам кунларида узоқ-яқиндан келадиган меҳмонларга улуғ фақиҳнинг орзу-интилишларига муносиб бўлиб пешвоз чиқаётгандек.

Шаҳарнинг Аҳмад Фарғоний номидаги шоҳкўчасидан ўтиб, кўҳна Марғилон сари йўл олар экансиз, таассуротларингиз янада ортади. Ўн чақиримдан зиёд йўл мобайнида тўй арафасида ён-атроф янада обод бўлиб кетганини кўрасиз.

Фарғоналиклар қишлоқ хўжалиги, хусусан, пахтачилик соҳасида кейинги уч-тўрт йилда анча орқага тушиб қолган эди. Лекин бу йил барча кўрсаткичлар кўнгилдагидек бўлди. Айниқса, Марғинонийнинг таваллуд тўйи арафасида пахта етиштириш бўйича шартнома режасининг бажарилиши, тўйнинг тўйга, қувончнинг қувончга уланиб кетиши ҳам ўзига хос рамзий маънога эга, десак асло муболаға бўлмайди.

Дарҳақиқат, вилоят пахтакорлари кейинги беш йил мобайнида биринчи бор мана шундай муваффақиятга эришгани, ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил олиб, 362 минг тонналик улкан хирмон бунёд этгани уларга бу йилги мураккаб об-ҳаво шароитида буюк аждодимизнинг руҳи мададкор бўлганидан далолат бермайдими?!



МАРҒИЛОН ЭҲТИРОМИ

Асли, таомилга кўра, аллома қадамжоларининг зиёрати ул зот таваллуд топган маскан — Риштон шаҳарчасидан бошланиши лозим. Лекин Марғилон йўл устида бўлгани, буюк аждодимиз хотирасига тикланган муаззам ёдгорлик шундоқ шаҳар остонасида, йўл бўйида қад кўтаргани учун аввало шу ерда тўхтадик.

Ёдгорлик мажмуи 3 гектардан зиёд майдонни эгаллаган. Унинг меъморий ечимида ўртада қад ростлаган 18 метрлик гумбаз бош ҳалқа ҳисобланади. У бутун мажмуани ягона композицияга уйғунлаштириб, унинг ҳар бир таркибий унсурига теран маъно-мазмун бахш этиб турибди.

Мажмуа қошида тўхтаган одамнинг кўзи дастлаб гумбазга тушади ва у аввало ўша тарафга қараб йўл олади.

Бундай меъморий ечим Президентимиз Ислом Каримовнинг миллий меъморчилигимиз, хусусан, ёдгорликлар барпо этиш борасидаги тажрибаларимиздан келиб чиқиб билдирган таклиф ва тавсиялари асосида амалга оширилган.

Юртбошимиз мажмуанинг асосий ҳалқаси бўлган гумбаз ўртада, йўлдан анча ичкарида жойлашгани маъқул, бу зиёратчиларга анчагина пиёда юриб, ўй-хаёлини жамлаб, сокин қадам ташлаб бориш имконини беради, деган фикрни билдирган эдилар. Дарҳақиқат, бизнинг кўҳна ёдгорликларимизда ҳам (масалан, Шоҳизинда мажмуи), замонавий ёдгорликларимизда ҳам (масалан, Имом Бухорий, Аҳмад Фарғоний, Шаҳидлар хиёбони мажмуалари) мана шу меъморий ечимга амал қилинган. Чунки бундай меъморий ечим ҳам содда, ҳам чуқур фалсафий асосга эга.

Гумбаз — дунё, олам тимсоли. Унинг остидаги лавҳга ўрнатилган китоб эса аллома ижодий меросининг гултожи ҳисобланган «Ҳидоя» рамзи. Агар бу меъморий битикни тафаккурга жойлаб, соддагина бир хулоса чиқарадиган бўлсак, дунёни илм-маърифат бошқаради, адолат ва ҳақиқатга фақат илм орқали етишиш мумкин, деган қадимий ҳикмат ёдимизга тушади.

Бу ерга қадам қўйган одам дунёнинг ўткинчилиги, оламда ҳақиқат ва адолатнинг, яхшилик ва савоб ишларнинг мангу барқарорлиги, умрнинг маъно-мазмуни бунёдкорликда экани тўғрисида, улуғ аждодларимизнинг тарих ва келажак олдидаги буюк хизматлари, ўзлигимизни, қадр-қимматимизни қайта тиклаган истиқлол хусусида, миллий қадриятларимиз ҳақида хаёл суриши, ҳаётий хулосалар чиқариши шубҳасиз.

Лавҳ турган супага мармар зиналар орқали чиқилади. Гумбаз атрофига қўқонлик Абдуғани Абдуллаев ижодига мансуб олтита нақшинкор ёғоч устун тикланган. Гумбазнинг усти риштонлик кулоллар тайёрлаган сопол кошинлар билан безалган. Унинг ганчдан ишланган ички ва ташқи безакларини эса самарқандлик, тошкентлик ва қўқонлик усталар амалга оширган.

Гумбазнинг қобирғаси, яъни конструкцияси Марғилон механика корхонасида тайёрланган.

Бир сўз билан айтганда, мажмуанинг шу биргина меъморий ҳалқасининг ўзи турлича ижодий меҳнат самараси бўлиб, юртимизнинг турли минтақаларида шаклланган меъморчилик мактаблари анъаналарини ўзида мужассам этган.

Гумбаз атрофи тошйўлаклар, майсагиламлар, гуллар ва ариқлар билан ажратилган алоҳида-алоҳида майдончалар, сайилгоҳлардан иборат. Бу ерда 5 та фаввора, 120 дан зиёд чироқ ёдгорлик ҳуснига ҳолдек ярашиб турибди.

Юртбошимиз томонидан ёдгорлик лойиҳасини муҳокама этиш жараёнида билдирилган таклиф ва тавсияларга биноан, мажмуанинг орқа ва ён тарафи кунгирадор девор билан манзарали қилиб ўралган. Унинг олди ва кириш тарафида эса эски ва кўримсиз дўконлар ўрнида замонавий хизмат шохобчалари, каттагина мажлислар зали барпо этилган. Ён-атрофдаги ўн чақиримдан зиёд йўл бугунги йўлсозлик талаблари асосида тўла таъмирдан чиқарилган.

Марғилонликлар фақат ёдгорлик мажмуининг ўзи билан кифояланиб қолмадилар. Улар мана шу жойга туташ темир йўл вокзали ҳудудидаги хиёбон ва майдонни ҳам Марғиноний ёдгорлик мажмуига уйғун ҳолда, худди унинг андозаси шаклида қайта қуришди.

— Бу савобли ишда, — дейди Марғилон шаҳар ҳокими ўринбосари Абдулҳоди Ҳусанов, — асосий пудратчи ташкилотлардан ташқари яна 24 та муассаса ҳам ишчи кучи, ҳам молиявий маблағи, ҳам моддий таъминоти билан фаол иштирок этди. Шаҳар жамоатчилиги ҳашарлар уюштириб, мажмуанинг тез ва соз қурилишига ўз ҳиссасини қўшди.

Эзгуликнинг қудрати мана шунда — одамларни, имконият ва салоҳиятни ягона мақсад йўлида бирлаштиради, ҳаммани бунёдкорлик ва яратувчиликка даъват этади.

Шунинг учун барчанинг юзида табассум. Ҳамма мана шундай ўзгариш ва янгиланишлар ташаббускори, мана шундай улкан мажмуа қурилишига бош-қош бўлган Юртбошимизга раҳматлар айтмоқда.

Тўй баҳона шаҳар марказидаги истироҳат боғи ҳам таъмирланди, кўчалар ва бинолар янада файзли бўлиб қолди. Бир сўз билан айтганда, марғилонликлар буюк аждодларига бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромларини аввало ўзларининг бунёдкорлик ва ижодкорлик фазилатларини намоён этиш орқали изҳор қилмоқда.

ЯХШИНИНГ ШАРОФАТИДАН ЮРТ

ҚУТЛУҒ ТЎЙ АРАФАСИДА



Саҳифани Ўзбекистон Президенти

ЙЎЛИНИНГ САРБОНИ



АЛЛОМАНИНГ ЎЛМАС МЕРОСИ

ҲИДОЯТГА БОШЛОВЧИ АСАР



Буюк ватандошимиз шайхулислом Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» асари саккиз асрдан буён мусулмон оламида ислом қонуншунослигининг тарихий манбаларидан бири, Шарқ Уйғониш даврининг ҳуқуқий-маънавий ёдгорлиги сифатида турли тадқиқотчилар томонидан катта қизиқиш билан ўрганиб келинмоқда.

Бу асар аввало аждодларимизнинг ўтмишда ислом ҳуқуқшунослигига қўшган ҳиссаси, ўзлари яшаган даврда, замон талабларини ҳисобга олиб, жамиятни қонун асосида мустаҳкамлашга интилганидан далолат беради.

Шуни таъкидлаш лозимки, Бурҳониддин Марғиноний яшаган даврларда мусулмон ҳуқуқи билан шуғулланиш осон иш бўлмаган. Чунки ўша давр фиқҳшунослиги бугунги замонавий ҳуқуқ мезонлари каби аниқ соҳаларга (жиноят, фуқаролик, ер, молия, меҳнат, маъмурий, тергов жараёни каби) бўлинмаган, яъни у жамият ҳаётининг ҳар бир соҳаси бўйича шаклланган ва ўзаро уйғунликда ривожланган яхлит тизимга эга бўлмаган. У даврдаги фиқҳшунослик барча масалаларни умумий тарзда ўрганишни кўзда тутган.

Ислом қонуншунослигининг яна бир асосий фарқли жиҳати шундан иборатки, у фақат соф ҳуқуқий меъёрлар мажмуидан иборат эмас. У, шунингдек, диний расм-русумлар, ахлоқий мезонларни ҳам қамраб олади. Бошқача айтганда, унда ҳуқуқий меъёрлар ахлоқий ва диний қарашлар билан бирикиб кетган.

Бурҳониддин Марғиноний мана шундай талабларга риоя қилиб, ўзи яшаган жамият ҳаётидаги барча диний ва дунёвий масалаларни давр талабларига мослаган ҳолда, замонасига мос исломий қонун-қоидаларни ишлаб чиққан.

Биз бу меросни халқимизнинг муайян тарихий тараққиёт жараёнида босиб ўтилган тажриба ва сабоқлар мужассами сифатида илмий нуқтаи назардан ўрганар эканмиз, унда аввало инсоний, маънавий жиҳатдан кўп ибратли масалалар шарҳ этилганига гувоҳ бўламиз.

Булар, аввало, ҳуқуқ ишларини юритишда адолат ва холислик тамойилларига амал қилиш, тўғри ва ҳалол бўлиш, ҳукм чиқаришда қонундан четга чиқмаслик каби муҳим ҳаётий масалалардир.

Шу маънода, алломанинг шоҳ асари бўлмиш «Ҳидоя»даги қозилик фаолияти, қозилик ишларидаги холислик ва адолат тамойиллари ҳақидаги ибратли фикр-мулоҳазаларга тўхталиб ўтиш лозим, деб ўйлаймиз.

Ушбу асарда бу мавзуларни қамраб олувчи «Қозилик мажбуриятлари» номли махсус бўлим бор. Унда қозилик ишларини юритиш қоидалари, қозининг ўз ишига ҳалол муносабатда бўлиши, тўғрисўзлик, адолатпешаликнинг ўзига шиор қилиб олиниши таъкидланади. Аллома, айниқса, низоли ва жанжалли масалаларни, яъни бирор бир ишни ҳал этишдаги холислик, чиқарилган қарор ёки ҳукмнинг адолатли ва қонуний бўлиши, қозилик ишига дахлдор кишилар — мутахассисларнинг юксак билим ва тажрибаси ҳамда ахлоқ-одоби ҳақида алоҳида тўхталади.

Тилга олинган бу масалалар ҳуқуқий нуқтаи назардан ҳам, маънавий нуқтаи назардан ҳам ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмайди.

Маълумки, ўрта асрларда айрим ҳукмдорлар, диннинг моҳиятини юзаки тушунувчи кўпгина диндорларда Қуръон оятларини ёки ҳадисларни билган одам турмушда учрайдиган кўпдан-кўп масалалар бўйича ҳукм чиқариб кетавериши мумкин, деб ҳисоблаган. Бу эса ўз навбатида адолатсизликларга сабаб бўлган.

Бурҳониддин Марғиноний буларни рад этган ҳолда, ҳуқуқ масалалари, аввало, қозилик ишлари билан шуғулланадиган одам исломий талаблар асосидаги ихтисосликка эга, яъни, у мактаб кўрган бўлиши лозимлигини уқтиради. У қози юксак билимли ва қобилиятли бўлиши зарурлигини, шундагина жамиятда қонунлар ижроси таъминланиб, адолат барқарор туришини таъкидлайди ва бу масъулиятли лавозимнинг ўзига хос аҳамиятини шундай тушунтиради: «Қозилик лавозими кишига юксак мажбурият юклайди, чунончи, бу мансаб инсон ҳуқуқларини муҳофаза этиш ва жамиятни ноҳақликдан халос қилишни тақозо этади».

Марғинонийнинг жанжалли ишларни ошкора ҳал этиш, айниқса, муҳокама якунида қабул қилинган қарор ёки ҳукмни кўпчиликнинг ҳузурида ўқиб эшиттириш зарурлиги тўғрисидаги фикрлари ҳам жуда ибратлидир.

Буюк аллома қозининг шахсий фазилатларига, айниқса, унинг ҳалоллигига алоҳида эътибор қаратади. У, деб таъкидлайдилар Марғиноний, фақат ўз қариндошлари ва ёр-биродарларидан ташқари бошқа ҳеч кимдан ҳадя олмаслиги лозим. «Чунки бордию у бутунлай ёт-бегона кишидан совға оладиган бўлса, бу унинг ўзига эмас, балки эгаллаб турган мансаби учун берилгани маълум бўлади ва бунинг натижасида суиистеъмолликка йўл очилади».

«Ҳидоя»да қозилик мансабини эгаллаган киши бўлар-бўлмасга зиёфатма-зиёфат юришдан тийилиши, айниқса, уни алоҳида, жамоатдан ажратган ҳолда зиёфатга чақирувчиларга рад жавобини бериши зарурлиги таъкидланади. Башарти, қози бундай зиёфатга боришга розилик берса, унинг ўз вазифасини бажаришда одилона йўл тутишига шубҳа пайдо бўлади, дейди фиқҳ илмининг султони.

Алломанинг илмий меросини ўрганиш шундан далолат берадики, у жамият ҳаётидаги қонун-қоидаларни исломий ахлоқ, исломий маънавият асослари билан мустаҳкамлашга ҳаракат қилган. У зотнинг уқтиришларича, қози бирор бир ишни касал ёки оч ҳолида муҳокама этиши мумкин эмас. Чунки бундай пайтда унинг жисмидаги заифлик холис ва одил ҳукм чиқаришга монелик қилади. Шунингдек, у нимадандир қаттиқ ҳаяжонланган, қўрқувга тушган ёки ҳаддан зиёд тўйиб овқатланган пайтларда ҳам ҳукм чиқармагани маъқул экан. Чунки бундай вазиятларда ҳам кишининг ақли ва фикри чалғийди, одам кўпроқ ором олишни, ҳордиқ чиқаришни истаб турган бўлади.

«Ҳидоя»да қозининг бирон бир ишни мажлисда кўриш пайтидаги масъулияти айниқса катта экани таъкидланади. Бундай вазиятда у ҳар икки тараф — даъвогар ва жавобгарга, айбланувчи ва жабрланувчига бир хилда муносабатда бўлиши, улардан бирортаси билан алоҳида суҳбатлашмаслиги, улардан ҳеч қайсисига имо-ишора қилмаслиги, иштирокчилардан фақат биттасига таалluқли бўлган саволларни бермаслиги, жавобларини маъқулловчи ишоралар қилмаслиги, иштирокчилардан ҳеч бирига кулиб қарамаслиги, улардан ҳеч бирини мақтамаслиги — хуллас, қозилик ахлоқ-одобига зид бўлган барча хатти-ҳаракатлардан тийилиши зарурлиги батафсил баён этилган. Марғиноний бобомизнинг аёл ва эркак кишининг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузига тенг кўз билан қараши у кишининг ниқоятда одил ва баркиненг инсон бўлганидан далолат беради.

Мусулмон ҳуқуқшунослигида азал-азалдан аёл кишини, гарчи қонуншунослик илмини эгаллаган, яъни мутахассис бўлса-да, қози этиб тайинлаш мумкинми, деган масала кўпдан-кўп тортишувларга сабаб бўлиб келган. Марғиноний бу масалада ўз фикрини баён этиб, аёл кишини муфтийлик ва қозилик лавозимига сайлаш мумкин, деган қарашни олга сурган. Ўзингиз тасаввур этинг, XII аср шароитида бу фикрни айтиш учун жуда катта жасорат керак эди.

Мана шу мисоллардан ҳам кўриниб турибдики, «Ҳидоя»да аждодларимизнинг жамият ҳаётини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш борасидаги ибратли интилишлари ўз ифодасини топган. Беқиёс маънавий ва илмий бойлик сифатида бизгача етиб келган бу мерос тасаввуримизни бойитишда, ҳуқуқ ишларини юритишда адолат ва ҳақиқат мезонларини ҳамиша ёдда тутишда муҳим аҳамиятга эга.

■ **Мавжуда РАЖАБОВА,**
ҳуқуқшунослик фанлари номзоди

АЛЛОМАНИНГ КИНДИК ҚОНИ ТОМГАН ЮРТ

Бурҳониддин Марғиноний таваллуд топган макон — Риштон туманига Олтиариқ орқали борилади. Олтиарикдан бошланадиган йўл Марғиноний номи билан аталади. Яъни Риштонга кириб бормасданоқ халқнинг ўз юртдошига бўлган меҳр-муҳаббатини ҳис этасиз.

Риштон — жуда кўҳна, қадимий цивилизациялар туташган макон. Бу ердан топилган археологик ашёлар — сопол буюмлар, турли хил санъат асарлари шунлар ўрнатилган, ичи ва ташига шарқона безак берилган мажмуа қад кўтарди. Қабристон атрофи обод қилинди, унинг олд тарафига девор тикланиб, ёнида шинамгина шийпон барпо этилди. Бир чақиримча келадиган, Риштон шаҳарчаси марказига бориб туташадиган йўл тўла таъмирланди, унинг атрофидаги боғлар ва биноларга сайқал берилди.

Бундан ташқари, туман марказидаги эски дам олиш ва истироҳат боғи кенгайтирилиб, ганчкор дарвозалар ўрнатилиб, чиройли ва гўзал саҳнлар, фаввора ва тошйўлаклар, кўкаламзорлар барпо этилиб, унга Марғиноний беихтиёр бу ишларнинг барчаси буюк донишманд бобомизнинг руҳи поки шод бўлиб, халқимизнинг эзгу интилишларини қўллаб-қувватлаётганидан эмасмикан, деган фикр ўтади. Бунга ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Масалага янада теранроқ назар соладиган бўлсак, бундай хайрли ишларнинг барчаси, аввало, улуғ боболаримиз руҳини қайта уйғотган, уларнинг муборак номини, ўлмас меросини тиклаган, қадр-қимматини жойига қўйган истиқлолнинг буюк хосиятидан экани ҳам аён бўлади.

Келинг, шу фикримизни бир химизни, буюк аждодларимиз меросини келажак йўлида хизмат қилдириш, авлодларга озод ва обод Ватан қолдириш борасидаги бундай савобли ишлар истиқлол хосиятидан, Президентимизнинг Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигини кўзлаб юритаётган сиёсати шарофатидан экани бугун барчамизга яхши маълум.

Биз бу ўринда фақат Марғилон ва Риштонда амалга оширилган ишлар ҳақида қисқача ҳикоя қилдик, холос. Бундан ташқари, буюк аждодимиз меросини ўрганиш, таржима қилиш, қайта нашр ва тарғибу ташвиқ этиш, у зотнинг ибратли ҳаёти ва фаолиятини санъатда, ижодда, илмий тадқиқотларда акс эттириш борасида Тошкентнинг ўзида, илм-маърифат маскани бўлган бошқа йирик шаҳарларимизда қанчадан-қанча ишлар амалга оширилмоқда.

Буларнинг барчасини кўз олдимизга келтирар эканмиз, мана шундай интилишларга амалий маъно-мазмун бахш этган, бундай олижаноб ҳаракатларга замин яратган куч — истиқлолнинг хосияти чиндан ҳам беқиёс эканига яна бир карра ишонч ҳосил қиламиз.

■ **Муртазо ҚАРШИБОЙ**

ОБОД БЎЛСУР

■ Абдулғани ЖУМА олган суратлар

дан далолат беради.

— Бу ерда, — дейди туман ҳокими Адҳамжон Мирахмедов, — ўн биринчи асрдаёқ сополдан қувур қилиниб сув тортилган, яъни водопровод тизими йўлга қўйилган.

«Соҳиби ҳидоя» қабристони тўққиз асрдан зиёд тарихга эга экани ҳам бу заминда қадимқадимдан маданий ҳаёт ривож топганидан далолат беради. Дарвоқе, қабристоннинг «Соҳиби ҳидоя» дея ном олиниши Бурҳониддин Марғиноний шахсияти билан боғлиқ. Халқ ўз юртдошига ҳурмат рамзи сифатида бу ерда қадим-қадимдаёқ ёдгорлик тиклаган. У «Соҳиби ҳидоя» деб аталган. Кейинчалик бутун қабристон ҳам шундай номланиб кетган.

Вазирлар Маҳкамасининг Бурҳониддин Марғинонийнинг 910 йиллик таваллуд тўйини нишонлаш ҳақидаги қарори эълон қилингач, «Соҳиби ҳидоя» ёдгорлиги қайтадан бунёд этилди. Илгариги пахса девордан қилинган, нураб ётган ёдгорлик ўрнида яшил гумбазли, нақшинкор эшиконом берилди.

Ушбу боққа туташиб кетадиган хиёбон атрофига гуллар ва манзарали дарахтлар экилди, йўлаклар ўтказилди, беш чақиримдан зиёд йўл созланди. Бу ишларнинг аксарияти халқнинг бунёдкорлик қудрати, яратувчилик иштиёқи билан амалга оширилди.

Туманда Бурҳониддин Марғиноний жамғармаси фаолият юритмоқда. Туман ҳокимлиги ташаббуси билан Риштонда мамлакатимиз илмий ва ижодий жамоатчилиги вакиллари иштирокида Марғинонийнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган анжуман ўтказилди.

Хуллас, буюк алломанинг муборак тўйи шарофати билан Риштон тумани ҳаётида ҳам улкан ўзгаришлар юз берди.

БУ ЎЗГАРИШЛАР НИМАНИНГ ХОСИЯТИДАН?

Табиийки, бу хайрли ўзгаришларни кўриб, кўз қувонади, дил яйрайди. Киши хаёлидан ҳаётий мисол билан исбот этайлик. Юқорида тилга олинган «Соҳиби ҳидоя» ёдгорлигини қайта тиклаш ҳақидаги гапсўзлар риштонликлар орасида 90-йиллар бошидан, яъни истиқлолнинг дастлабки йилларидан буён давом этиб келаётган экан.

— Бизнинг ҳисоб-китобимиз бўйича, — дейди Марғиноний жамғармаси раиси Шермуҳаммад Мирзаолимов, — бу ёдгорликни тиклаш ишлари 2003 йилгача давом этиши керак эди. Президентимизнинг ташаббуси билан аллома бобомизнинг таваллуд тўйини нишонлаш ҳақида ҳукумат қарори чиққанидан кейин бу ишлар биз хаёлга ҳам келтирмаган даражада тезлашиб кетди. Мана, кўриб турганингиздек, биз ўзимизча тўрт-беш йилга мўлжаллаб юрган иш саккиз ойга қолмай, биз режалаштиргандан ҳам кўра катта миқёсда амалга ошди.

Дарҳақиқат, ўзлигимизни янада чуқурроқ англаш, тари-

девонининг Жамоатчилик билан алоқалар хизмати тайёрлади.



ЎЗБЕКИСТОН

БРИТАНИЯЛИК САЙЁҲ НИГОҲИДА

Брайтонлик ўқитувчи Сью Камиллери хоним Ўзбекистонга келишни азалдан орзу қилар эди. Дастлаб у ўзбек халқининг тарихи, маданияти ва анъаналарини жиддий ўргана бошлади. Мана яқинда Сью «Ўзбекистонни биласизми?» номли савол-жавоб ўйинида ғолиб чиқиб, ўз орзусига эришди. Ушбу викторина илк бор Буюк Британияда Ўзбекистон элчихонаси томонидан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси ва «Эйжа Трэвел Интернэйшнл» сайёҳлик агентлиги ваколатхоналарининг ҳомийлигида ташкил этилди.

Мукофот учун С. Камиллерига Ўзбекистоннинг кўҳна шаҳарлари — Тошкент, Самарқанд ҳамда Бухорога келиш имконияти берилди. Британияга қайттач, Сью ўз таассуротлари билан ўртоқлашди.

— Мен мамлакатингизга «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётида учдим ва ундаги шарқона меҳмондўстлик билан уйғунлашган юқори даражадаги хизматдан жуда мамнун бўлдим, — дея ўз ҳикоясини бошлайди сайёҳ.

Менинг Буюк ипак йўлидаги қадимий мамлакатга қилган сафарим Тошкентдан бошланди. Унинг тарихи, кўҳна ёдгорликлари ва замонавий иншоотлари ҳамда шу ерда яшовчи оққўнгил инсонлар билан яқиндан танишдим. Биз Кўкалдош мадрасасини бориб кўрдик. Мени амалий безак санъати усталарининг юқори сифатли ишлари лол қолдирди.

Шу куни кечқурун Тошкент метросида сайр қилдим. Метрополитен бекатлари менга ерости саройларини эслатди. Мармар устунлар, гўзал шарқона нақшлар ва бетакрор қадама нақшлар оғушида қолдим.

«Шарқ дурдонаси» шарафига ҳақли равишда эга бўлган эртаклар шаҳри Бухорода икки кун бўлдим. Ҳаётимда илк бор гилам тўқиш жараёнини ўз кўзим билан кузатдим. Ўзбек тўқувчилари тайёрлаётган хилма-хил маҳсулотлар шу қадар жозибали эдики, мен беихтиёр иккита гилам харид қилишга мажбур бўлдим.

Ўзбекистонга ташрифимнинг энг эсда қоларли қисми Самарқанд билан боғлиқ. Регистон майдони ва Амир Темур мақбараси менда жуда катта таассурот қолдирди. Мазкур ёдгорликлар мамлакатингизнинг бой ва ўзига хос тарихи билан унинг буюклигини намойиш этади. Мафтункор ўймакорлик ва ганчкорлик нақшлари, шифт ва карнизлардаги ўта нафис безаклар кишини лол қолдиради.

Афсуски, Ўзбекистонга қилган сафарим бор-йўғи бир ҳафта давом этди, — дейди Сью Камиллери, — аммо у менинг бутун ҳаётимни ёркин ва ўчмас таассуротлар билан бойитди. Умид қиламанки, кўҳна Шарқнинг ушбу ҳақиқий эртагини яқин келажакда яна бир бор кўришга муяссар бўламан, — дея британиялик сайёҳ ўз ҳикоясини якунлайди.

■ **Мардон ЁҚУБОВ,**
«Жаҳон» АА

РАСМИЙ САФАР БОШЛАНДИ

АҚШ Президенти Билл Клинтоннинг Осиё мамлакатлари бўйлаб сафари бошланди. У дастлаб Брунейда бўлиб, АСЕАН саммитида иштирок этади. Б.Клинтон саммит давомида Россия Президенти Владимир Путин, Жанубий Корея раҳбари Ким Дэ Чжун, Япония бош вазири Иосиро Мори ҳамда Хитой раҳбари Цзян Цзэмин билан учрашишни режалаштирган.

Оқ уй раҳбари Бруней сафаридан сўнг Вьетнамга боради.

МУҲОКАМА ҚИЛИШГА КИРИШДИ

Франция, Буюк Британия, Испания ҳамда Жазоирнинг бир неча йирик компаниялари Шимолий Африкадан Европага газ қувури тортиш борасидаги лойиҳани муҳокама қилишга киришди. Денгиз тубидан ўтувчи ушбу қувур Жазоирдан Испания қирғоқларига қадар тортилади. Мазкур лойиҳа ҳозирча 700 миллион АҚШ долларига баҳоланган. Агар у ҳаётга жорий қилинса, Франция билан Испания Жазоирдан йилига саккиз миллиард куб метр табиий газ олиш имкониятига эга бўлади.

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРГА МОЛИЯВИЙ ЁРДАМ

Австралия ҳукумати Папуа-Янги Гвинея қуролли кучларига беш миллион АҚШ доллари миқдорида молиявий ёрдам ажратишга қарор қилди. Бу маблағ қуролли кучларни ислоҳ қилиш, ҳарбийларнинг яшаш ва ишлаш шароитини яхшилашга сарф қилиш кўзда тутилган.

БОШ ПРОКУРОР УЙИГА ЎҒРИ ТУШДИ

Номаълум шахслар Грузия Бош прокурори Жамлет Бабилашвилининг уйини ўмариб кетди. Хабарларга қараганда, ўша пайтда уйда ҳеч ким бўлмаган. Ҳозирча жиноятчилар нималарни ўғирлагани эълон қилинмаётир.

ТОМОНЛАРНИНГ КЕЛИШУВИ МАВЖУД



Токиода «Катта еттилик» давлатлари экспертларининг ядро қуролларини йўқ қилиш муаммоларига бағишланган учрашуви бўлиб ўтмоқда. Одатда, бундай учрашувлар ёпиқ эшик ортида ўтади.

Музокаралар мазмунини ошкор этмаслик бўйича томонлар ўртасида ўзаро келишув ҳам мавжуд. Шу боис мазкур учрашувнинг тафсилоти ҳақида хабар берилмаяпти.

ТАНГЛИК ХАВФИ ПАЙДО БЎЛДИ

НАТО ҳарбий қўмондонлиги билан Европа Иттифоқининг айрим мамлакатлари ўртасидаги муносабатларда танглик хавфи пайдо бўлди. Бунга Европа Иттифоқининг олий органларига ҳамраислик қилаётган Франция ЕИнинг келаси ойда бўладиган учрашувига алоқадор махфий ҳужжатларни ошкор қилгани сабаб бўлмоқда. НАТО Бош котиби Ж.Робертсон Буюк Британия бош вазири билан учрашувда, Париж таклиф қилаётган ягона Европа қуролли кучларини тузиш режаси НАТОни пароканда этиши ва АҚШнинг Европага таъсирини сусайтириши мумкинлигини айтди.

ҲАЙКАЛ БАҲОСИ МИЛЛИОН ДОЛЛАР

Американинг Рапид Сити шаҳридан 40 км. жануби-ғарбда диққатга сазовор маскан бор. Бу Рашмор тоғидаги миллий мемориалдир. Мемориал Американинг тўрт президенти: Жорж Вашингтон, Томас Жефферсон, Авраам Линкольн ва Теодор Рузвельтлар хотираси шарафига тикланган. Бу тўрт президентнинг баҳайбат тасвири баландлиги 1745 метрга етадиган гранит қояда тарошланган. Ҳар бир юзнинг ўлчами энгакдан пешонагача 18 метр бўлиб, Буюк Сфинксникидан икки баробар каттадир. Асар америкалик ҳайкалтарош Гатсон Борглум томонидан 1927 йилнинг августида бошланган эди. Биринчи бўлиб Вашингтоннинг сиймоси 1930 йил 4 июлда тугалланган. 1941 йилнинг 6 мартида Борглум вафот этгандан сўнг бу иш унинг ўғли Линкольн томонидан давом эттирилди.

Асарнинг умумий баҳоси салкам 1 миллион долларни ташкил этади. Маблағнинг 84 фоизини федерал ҳукумат тўлади. Қолган маблағлар хусусий шахслардан олинди.

■ **Ойгул КАРИМОВА,**
«Қаламкаш» тингловчиси

БИЛАСИЗМИ?

КЎҲНА ЕВРОПАда ДЕМОГРАФИК ТАНГЛИК

XXI асрнинг ўрталарига келиб Европа аҳолисининг сони кескин қисқаради, дейишмоқда француз демографлари.

Олимлар Европада рўй берадиган демографик эволюциянинг икки талқинини келтиришади. Биринчи талқинга кўра 2050 йилга келиб Европадаги 38 мамлакат аҳолисининг сони 628 миллион кишини ташкил этади. Иккинчи талқин бўйича европаликларнинг сони 550 миллионга тушиши мумкин. Ҳозирда эса Европа аҳолиси 729 миллион кишидан иборат. Ҳиндистонда яқинда миллиардинчи чақалоқ дунёга келганини инобатга олсак, Европадаги демографик аҳвол ҳақиқатда ачинарли.

Француз олимларида келажакда европаликлар сони 2 фоизга ошиши мумкин деган тахмин ҳам бор, бироқ бу фикр ҳозирча ўзини оқлаш даражасида эмас. Айни пайтда ҳар бир европалик аёлга 1,6 фарзанд тўғри келади. Қитъа аҳолисининг сони эса бу кўрсаткич 2,2 ни ташкил этгандагина ошиши мумкин. Европанинг гўзал маликалари фарзанд ташвиши ҳақида кўпам қайғуришаётгани йўқ.

Демографларнинг яна бир маълумоти инсон умрининг узайишига боғлиқ. Бу борада европалик эркакларнинг ўртача умр кўриши 69 ёшдан 77 га чўзилса, аёлларники 77 дан 83 ёшни ташкил этар экан. Ҳозирда кекса ёшдагилар аҳолининг 20 фоизини ташкил этаётган бўлса, ярим асрдан сўнг 35 ёки 40 фоизни ташкил этиши мумкин. Шундай қилиб, европаликлар ярим асрдан сўнг сайёрамиз аҳолисининг 7 фоизинигина ташкил этаркан, холос (ҳозирда бу кўрсаткич 12 фоизга тенг).

Хўш, бу кўрсаткичлар Европа мамлакатлари учун қандай хавф туғдиради? Яхшиси буни бир мамлакат — Италия мисолида кўриб ўтайлик.

Яқин 25 йил ичида Италия ўз иқтисодини ушлаб туриш учун 9 миллиондан ортиқ мухожирни қабул қилиши керак. Бу борада Италиянинг «Унита» газетаси шундай ёзади: «Италиянинг юзлаб километрга чўзилган соҳилларидан мамлакат аҳолисини тўлғазиш учун мухожирлар олинмоқда». Мамлакатдаги яна бир нашр «Республика»нинг ёзишича, «Италия миллати ўлиш арафасида турибди». «Экспрессо» журнали эса масалани очиқ қўяди — ўз ўқувчилари қуйидаги савол билан мурожаат қилади: XXI асрда италия миллати осиёликлар қиёфасида намоён бўладими ёки африкаликлар кўринишига эга бўладими?

Жавобни ҳам дарҳол журналнинг ўзи келтиради: «Худди камалак каби. Бу камалакдан албанлар, лотин американликлар, тунисликлар, хитойлар, осиёликлар ва қолишса, ниҳоят итальянлар ўрин олишади».

■ **Абдумалик БОБОЕВ тайёрлади.**

«ИККИЧИ»ДАН ЧИҚҚАН миллиардер

Мана бир неча йилдирки, тадбиркорлар журнали «Форбс» дунёнинг энг бой миллиардерлари рўйхатини мунтазам чоп этаяпти. Бу йил улар сафига беш киши қўшилди ва улар сони 270 га етди. Ҳозирда бойлар рўйхатини 60 миллиард АҚШ доллари бўлган Билл Гейтс бошқариб турибди. Маълумки, Билл Гейтс «Майкрасофт» компаниясининг асосчиси, «Windows» дастурининг тузувчиларидан биридир.

Билл Гейтс октябрь ойида 45 ёшга тўлди. Шуни таъкидлаш керакки, у ёшлигида яхши ўқимаган. Бу Билл ва унинг опаси билан солиштирилганда айниқса яхши кўринади. Уларнинг отаоналари болаларнинг ҳар бир аъло баҳоси учун 25 центдан бериб турган ва йил охирида Билл бор-йўғи 5 доллар йиғган, унинг опаси мўмайгина пул ишлаган. Лекин саккизинчи синфда у ҳаммани лол қолдиради. Математикадан имтиҳон топширган Билл 800 балл олади (800 балл энг юқори кўрсаткич). 17 ёшга тўлганда, ўзидан икки ёш катта Пол Аллен билан мактаб компьютери учун дарс жадвали тузиш ва синфларни ажратишга мўлжалланган дастур тузади ва 4200 доллар миқдорида пул ишлайди. Бир неча вақтдан сўнг Сиэтл ҳокимияти учун йўл ҳаракатини бошқариш дастурини яратадилар ва 20 минг доллар ишлайдилар. Хуллас, улар университетда ўқиш учун ўзлари пул тўлай олардилар. У отаси истаганидек, Гарвард университетига киради, лекин у юрист эмас, математик бўлишни хоҳлайди. Дўсти Пол эса ўқишни ташлаб, ишга киради. Лекин улар учрашиб турадилар ва турли дастурлар устида ишлайдилар. Биллда ҳамма компьютерлар учун умумий, стандарт бўлган дастур ишлаб чиқиш ҳақида фикр туғилади. MITS фирмаси буни қўллаб-қувватлайди ва дўстлар билан шартнома тузади. Билл академик таътил олади ва ярим йил дўсти билан бирга янги дастур устида ишлайди. Бу давр 1975 йил бошлари эди. Шу вақтда улар ўз «Майкрасофт» фирмаларини рўйхатга олдирадилар, 10 йилдан сўнг у бир неча миллиард сармояга эга бўлади. Ундан олдин эса улар Тим Петерсондан «DOS» дастурини сотиб оладилар ва уни бутунжаҳон стандартига айлантирадилар. Уларнинг «Windows» дастури эса компьютер оламида тўнтариш ясади.

Билл Гейтснинг Вашингтон кўлида жойлашган 50 миллион долларлик уйи бор, бу ерда умуман телевизор йўқ(Билл телевизор кўришни бекорга ўтказилган вақт деб ўйлайди). Бундан ташқари, уйнинг деворлари меҳмонни «эслаб қолади» ва у келганда унга ёқадиган мусиқа янграйди. Унинг уйи 30 та машинага мўлжалланган гараж, катери учун гараж ва 100 кишилик ошхонадан иборат.

Билл тез ҳайдашни ёқтиради, унда учта «Порше» спорт машиналари бор ва яна у тезликни оширганлиги учун суд чақириқномаларини йиғади.

Билл ҳашаматни ёқтирмайди, шу туфайли Америка бўйлаб туристик классда саёҳат қилади. Ўз пулларини эса ўзи ташкил қилган хайрия жамғармаларига, қизи Женнифер (5 ёшда) ва ўғли Рори(2 ёшда)ларга эса фақат 100000 доллар васият қилмоқчи.

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

ЛАВҲАЛАРДАГИ ЛАҲЗАЛАР

Бирон мухбирга муаммоли мақола ёки репортаж ёзиш топширилса, «Суратка ш бўлса яхши бўларди», деб туради. Бунинг боиси бор. Яхши сурат ёзилган мақоланинг мазмунини бойитади, газета юзини очади.

Суратнинг яхши бўлиши эса фотожурналистнинг маҳоратига боғлиқ. Агарда у масалага ижодий ёндашса яна яхши. Суратка ш Владимир Молгачёв ана шундай хислатларга эга. У изланувчан. Ўз касбининг сирини яхши билади. Ижодида ҳамиша инсонни биринчи ўринга қўяди. Шу туфайли мўлжалланган бир лаҳзалик лавҳа чиройли ва жозибадор чиқади. Лаҳза давомийликка айланади, лавҳа «жонланади».

Ундан «Сиз суратка шлик сирларини кимдан ўргангансиз?», — деб сўрасангиз биринчи навбатда машҳур фотожурналистлар Исак Глауберзон ва Абдусатор Тўраевнинг номини тилга олади.

Ижодкор бўлишнинг ўзи суратка шга камлик қилади. У ўзига нисбатан талабчан ҳам бўлиши керак. Шундагина сурат борган сари яхши чиқаверади дейишганди, устозларим дейди у.



Владимир Молгачёв устозларининг бу панднасиҳатларини доимо ёдда сақлайди. Ҳозир у моҳир фотожурналист сифатида танилган.

— Менинг ижодий камол топишимда газета-журналларнинг, айниқса, «Ўзбекистон овози» газетаси жамоасининг хизмати катта. Мана, 30 йилдирки бу касбни ардоқлаб келяпман. Агарда мана шундай жонкуяр жамоа билан ишламаганимда, оддий бир суратка ш бўлиб қолишим мумкин эди. Мен жамоадан бир умр қарздорман.

У бу гапни юракдан айтади. Айни дамда фахр-ифтихор туяди.

Владимир Молгачёв 50 ёшга тўлди. У ҳануз фотоаппаратини қўлдан қўйгани йўқ. Жонажон республикамизни қадам-бақадам кезиб, меҳнаткаш, яратувчан халқимиз бунёд этаётган янгиликларни жонли лавҳаларда акс эттириш иштиёқида. Ва, шундай қилаяпти ҳам.

■ **Юнус ЗИЁДОВ**

Суратларда: Владимир Молгачёв ижодидан лавҳалар.

SPORT

СЎНГГИ УЧРАШУВЛАРНИ КУТИБ

Мамлакат миллий футбол чемпионати якунланишига бор-йўғи икки тур қолди. Кечиктирилган ўйинлар ҳам деярли тугади. Фақат 22 ноябрда сўнгги кечиктирилган учрашувда «Дўстлик» футболчилари «Трактор» жамоасини қабул қилиб, мавсумга якун ясайдилар. Гап шундаки, ана шу охирги учрашувга қадар бу йилги чемпионнинг номи маълум бўлиш- бўлмаслиги даргумон. Чунки, мухлислар якшанба куни ўтказилган учрашувларга умид боғлашганди. Голибликка асосий даъвогар бўлиб турган «Дўстлик» ва «Нефтчи» жамоаларидан бири имкониятни бой бергудек бўлса, бўлажак чемпионнинг мавқеи мустаҳкамланиши табиий эди. Лекин ундай бўлмади. «Турон» майдонида куч синашган «Дўстлик» 1:3 ҳисобида ғалаба қозониб, жами очколарни 85 тага етказди. «Нефтчи» ҳам сафарда ўйнаб, «Зарафшон» жамоаси дарвозасига ягона тўп киритиш билан очколар жамғармасини 84 та қилиб олди. Эрта ўтиб индинга эса, 37-тур учрашувлари бўлади. «Дўстлик» сафарда «Бухоро» футболчилари билан куч синашса, фарғоналиклар пахтакорчиларни қабул қилишади. Ўйлаймизки, бу икки учрашувда чемпион номи аниқланиб қолиши мумкин. Шунингдек, чемпионликка талабгор бўлиб турган «Насаф» футболчилари ҳам сўнгги икки ўйинни ғалаба билан якунлашса, омадлари чопиши ҳеч гап эмас. Нима бўлганда ҳам мамлакат миллий чемпионати совриндорларини охирги учрашувлар аён қилишини мухлислар сабрсизлик билан кутмоқдалар.

БОШ МУҲАРРИР
Азим СУЮН
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)
МУАССИС:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ
БЎЛИМЛАР:
Сиёсат ва ҳуқуқ — 133-44-55
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-12-56
Котибият — 133-21-43
Реклама ва эълонлар 133-38-55, 133-47-80
Факс — 133-73-43, 133-06-83
ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 136-53-16;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.
МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.
Навбатчи
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ
Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи-дастурчи
Икром ИСМОИЛОВ
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 702
Топшириш вақти -- 21.00.
Топширилди --
1 2 3 4 5 6
СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ОАО «УЗМЕТАЛЛСАВДО»

извещает о проведении внеочередного Общего собрания акционеров 15 декабря 2000 года в 15.00 по адресу: г. Ташкент, ул. Уста Ширин 136, в актовом зале ОАО «Узметаллсавдо»
Начало регистрации с 12.00.

ПОВЕСТКА ДНЯ:

1. О президиуме внеочередного Общего собрания акционеров.
2. О составе Счетной комиссии внеочередного Общего собрания акционеров.
3. О Регламенте внеочередного Общего собрания акционеров.
4. О внесении изменений и дополнений в Положение об Общем собрании акционеров «Узметаллсавдо».
5. О неприменении преимущественного права акционеров на приобретение акций Общества при выпуске и размещении дополнительных акций в размере объявленных.
6. Об определении предельного размера объявленных (дополнительных) акций.
7. О совершении крупной сделки с акциями и имуществом Общества.
8. О порядке и условиях размещения дополнительных акций в размере объявленных.
9. О предоставлении Наблюдательному совету права увеличивать уставный фонд Общества в размере объявленных акций.
10. О предоставлении Наблюдательному совету права размещать акции, выпущенные в размере объявленных акций.
11. О внесении изменений и дополнений в Устав открытого акционерного общества «Узметаллсавдо».
12. О протоколе Счетной комиссии по итогам голосования на внеочередном Общем собрании акционеров.

Список акционеров, имеющих право на участие в внеочередном Общем собрании составлен по состоянию на 9 ноября 2000 года.
Акционеры могут ознакомится с информацией (материалами) к внеочередному Общему собранию в Наблюдательном совете по адресу Общества.

НАБЛЮДАТЕЛЬНЫЙ СОВЕТ

ФМТ-1
"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси
АБОНЕНТЛИК Газета 220 Нашр индекси
ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
Обуна сони
2001 йил учун (ойлар бўйича)
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)
Кимга (Фамилияси. исми ва отасининг исми)

ФМТ-1
п.в Жойи
Нашрга етказиш варақаси 220 Нашр индекси
ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
Обунани янги манзилга юбориш | Баҳоси | сўм | обуна сони
Баҳоси | сўм
2001 йил учун (ойлар бўйича)
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)
Кимга